ЎЗБЕК ДОРБОЗЛАРИ ПОКИСТОНДА

"Ўзбекдавлатцирк" бирлашмасининг санъат усталари гуруҳи Покистоннинг Лоҳур шаҳрида сафар томошасини бошлади. Бирлашма бош раҳбари Бахром Мажидовнинг маълум қилишича, бу сафар икки мамлакат ўртасида тузилган маданий алоқалар дастурига биноан амалга оширилди. Гуруҳ таркибида дорбозлар, чавандозлар, гимнастикачилар, акробатлар, кўзбоғлағичлар бор. Сафар бир ой давом этади. Шу йил куз фаслида Покистон цирк усталари Тошкентга ташриф буюрадилар.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРДА ТОШКЕНТ КУНЛАРИ

Республикамиз пойтахти — Тошкент билан биродарлашган Берлиндан хушхабар олинди. Шу йил ноябрь ойида бу ерда Тошкент кунлари ўтказилади. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар ҳокимиятининг миллатлараро ва диний муносабатлар бўлимида обрўли тадбирни ўтказиш учун қизғин ҳозирлик кўрила бошланди. Унда Тошкент шаҳрининг тарихи, мустақиллик давридаги тараққиётини акс эттирувчи тасвирий санъат асарлари, фотосуратлар, ҳунармандчилик буюмлари, саноат моллари намойиш этилади.

Дилором БЕКМУРОДОВА.

"ЧОР КИТОБ" ВА БИР ХУМ ТАНГА

Яқинда Пишағор қишлоғилик Умарали Холмўминов XIX асрга оид "Мухтасар", "Мақомати Нақшбанд" ва "Чор китоб" каби тошбосма асарларни Зомин ўлкашунослик тарихи музейига туҳфа қилди. Айниқса, Мирзо Абдулқодир Бедилнинг форсийда битилган ғазаллар девони қўлёзмаси ўзига хос аҳамиятга эга. У.Холмўминовнинг номи музей жонкуярлари фахрий китобига ёзилди. Қайтарма маҳалласида яшовчи 70 ёшли Қорасоч Мамасолиева эса томорқасидан топилган танга тўла хумни музейга олиб келди. Бу қадимий тангалар темурийлар даврига оид, деб тахмин қилинмоқда.

Саттор ҚОРАБОЕВ.

ЯНГИ ФИЛЬМ СУРАТГА ОЛИНМОҚДА

Ёзувчи Тоғай Муроднинг "Отамдан қолган далалар" романи минглаб китобхонлар ҳурматига сазовор бўлди. "Ўзбекфильм" ижодкорлари ана шу асарни экранда талқин этишга бел боғладилар. Профессор, Ўзбекистон халқ артисти Шуҳрат Аббосов режиссёрлигида фильмнинг айрим лавҳалари Сўқоқда суратга олинди. Унда санъаткорлардан Пўлат Саидқосимов, Тўти Юсупова, Ҳожиакбар Нурматов суратга тушмоқдалар.

Абдулла ҲОЖИАКБАРОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 17 июль, пайшанба № 83 (22.167).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

✓ 1993 йил 17 июль — ***Президентимиз Буюк Британия Қироличаси Елизавета Пнинг қизи малика Анна зоти олияларини қабул қилди.***

✓ 1994 йил 18 июль — ***пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги саройида Конрад Аденауэр фондини (ГФР) таништириш маросими бўлди.***

ЕТИБ КЕЛДИ ШУКУҲЛИ КАРВОН



Қашқадарё галлакорлари давлат буюртмасини бажардилар. Мамлакатимиз хирмонига 300 минг тоннадан ортиқ галла тўкилди. Бу — бир неча вилоят ҳиссасига тенг дон келтирган, не-не машаққатларни енгиб ўтган шукуҳли карвондир. Қировли кунларда ернинг шўрини ювган, жазирама ўроқ ўрган деҳқоннинг меҳнатига бир назар ташлайлик. Ўтган йили сув ва ёмғир танқислигидан далалар қақраган эди. Бу йил олдингидан 25 минг гектар ерга кам дон экилди. Май ойида бўлган табиий офат 23 минг гектар жойдаги ниҳолларни нобуд қилди. 70 минг гектар майдонда ҳосилдорлик пасайди.

Галла — 97

— Ҳар бир йилнинг ўз ташвишлари бор, — деган эди ўрим бошланиш арафасида вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Озод Пармонов. — Бор ҳосилни йиғиб олишга барча кучлар сафарбар этилди. Комбайнчилар, транспорт ҳайдовчилари билан учрашиб, барча шарт-шароитларни яратиб бердик. Табиий офатдан зарар кўрган 21 хўжалик учун ҳам керакли уруғлик ва галла жамғариб берамиз. Галладан бўшаган майдонларга дон учун маккажўхори ва бошқа экинлар экиб бой берилган ҳосилни қоплаймиз...

Булар — ишнинг кўзини билиб, ихлос билан айтилган сўзлар эди. Тадбиркорлик ўзини оқлади. Муборак тумани вилоятда биринчи бўлиб режани бажарди. Муборакликлар 16 минг тонна ўрнига 20 минг тоннадан ошиқ дон сотдилар. Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларида мўл ҳосил етиштирилди. Шаҳрисабз туманида суғориладиган ерлар ҳосилдорлиги 35 центнердан ошди. Китоб туманидаги Беруний номли хўжалик 3 минг тоннага яқин дон етказиб берди. Касби тумани нафақат пахта, балки галла етиштиришда ҳам етакчилик қилмоқда. Туман галлакорлари ҳосилдорликни 36 центнерга етказиб 21 минг тонна ўрнига 27 минг тонна дон сотишга муваффақ бўлдилар. Асосан лалми ерларда деҳқончилик қилаётган Чироқчи тумани галлакорлари етказиб берган дон шартномадаги 42 минг тонна ўрнига 50 минг тоннадан ошиб кетди. Ҳатто май ойидаги табиий офатдан зарар кўрган Ғузор тумани 20 минг тонна дон сотди. Косон тумани галлакорлари эса 30 минг тонна дон етказиб бериб режани ошириб адо этдилар.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатимиз галла мустақиллиги йўлида қилинган астойдил меҳнат самарасидир. Ҳатто 21 минг гектар томорқа ерининг ҳар гектаридан ўртача 30 центнердан дон олинди. Бошқача қилиб айтганда, бу минглаб оилалар учун қўшимча даромад, тандирида пишадиган иссиқ нондир. Ўнлаб моҳир деҳқонлар бошлиқ бригада, жамоаларда фаол меҳнат, сара уруғ ва омилкорлик ўзини оқлади. Масалан, касбилик Рустам Ҳоллиёров, Шариф Сиддиқов бошлиқ ижарачи бригадаларда ҳосилдорлик 69-70 центнерни ташкил этди. Шаҳрисабз туманидаги Бозор Эшдавлатов раҳбарлик қилаётган Болта Фозилов номли жамоа хўжалигида 500 гектар майдондаги галла ҳосилдорлиги вилоятда энг юқори кўрсаткичга — 55 центнерга етди. Ўрим 12 иш кунида якунланди.

Техника деҳқоннинг таянчидир. Бу йил вилоят галлазорларида 1600 комбайн, жумладан, 90 та «Кейс»ни бошқарган 3,5 мингдан ошиқ ҳайдовчилар фидокорона меҳнат қилдилар. Уларга Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларидан келган 33 та «Кейс»ни бошқарган ҳамкасблари қўлдош бўлдилар. Ҳали кеч етилган, ўрилмаган галлазорлар анчагина. Жами ҳосилни 500 минг тоннага етказиш, бир миқдор донни ҳам ерда қолдирмаслик учун кураш кетмоқда. Қутлуғ ва пок ният йўлдош бўлар экан, бу режалар ҳам амалга ошгусидир. Мамлакат белига қувват бўла оладиган Қашқадарё замини янги-янги хазиналарини очаверади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзгаришлар шабадаси

КЎҲНА ШАҲАРДА АМЕРИКА ҚУШИҚЛАРИ

БУХОРО. Қадимий шаҳарнинг маркази санъатсевар болажонлар билан гавжумлашди. АҚШ «КОДАК» фирмасининг Ўзбекистондаги расмий вакили «РОАД шоу фокс» қўшма корхонаси ижодий гуруҳи ўз қўшиқлари ва ҳазил мутойибалари билан болакайларнинг кувончига кувонч қўшди. Ижодий гуруҳ аъзолари Бухорода «РОАД шоу» шўъбасини очиш истагини билдирмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

ТАДБИРКОР ИМКОН ТОПАР

НУКУС. Тахиатош «Баракат» савдо ишлаб чиқариш корхонасида халқ истеъмоли моллари тайёрлашга ҳам эътибор қилинмоқда. Бу ердаги асосий тижорат ишларидан ташқари дурадгорлик цехи ташкил этилиб, буюртмага ром, эшик ҳамда мебель стол-стул, хонтахталар тайёрланаётгани кўпчиликни мамнун этмоқда. Фойдаланишга топширилган новвойхонада эса кунига 1500-2000 тага яқин бўрсилдоқ нонлар ёпилмоқда. Корхона тадбиркорлари ички имкониятлардан фойдаланиб, яна 18 кишини иш билан таъминлашди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

СУВДЕК СЕРОБ БЎЛИНГ

НАВОИЙ. Навоий туманида аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашга эътибор катта. Туман марказий кўрғони — Бешработга водопровод суви келтирилди. Бунинг учун 10 миллион сўм сарфланди. Дамхўжа — Навоий — Бухоро сув қувури орқали туман марказига оби-ҳаёт келди. Сув таъминоти мунтазамлиги учун 2,5 минг кубметр сув сиғимига эга бўлган қўшҳовуз барпо қилинди.

Музаффар ШАРОПОВ.

КИТОБ — ҲАЁТ ДАРСЛИГИ

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» республика хайрия жамғармаси ҳамда «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро жамғармаси 16 июль куни Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби бўйича конференция ўтказди. Муҳокамада вилоят, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталарининг, маҳалла қўмиталарининг, бир қанча жамоатчилик жамғармалари ва бошқа ташкилотларининг вакиллари иштирок этди. Учрашувни Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Ғуломова бошқарди.

Муҳокама иштирокчилари китобда давлатимиз иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётининг шартлари ва кафолатлари илмий асослаб берилганини айтишди. Бу фундаментал асарда ҳозирги жамият турмушининг энг долзарб муаммолари ёритилиб, уларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилган. Китобда акс этган давлат ҳамда унинг барча фуқаролари олдида турган энг муҳим вазифа — ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча соҳаларида қонуннинг сўзсиз устуворлигига эришиш вазифаси таъкидланди. Бу ишда жамоат ташкилотлари, шу жумладан хотин-қизлар ташкилотлари ва маҳалла қўмиталари, инсон ҳуқуқлари институти муҳим ўрин тутади.

Мамлакатимиз раҳбарининг китоби, дейилди учрашувда, ҳар бир фуқаро учун дарслик, кундалик дастуруламал бўлиши лозим, бу асарда чиқарилган хулосалар ва амалий тавсияларни ўрганиш ҳамда амалга ошириш Ўзбекистон XXI асрда давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини эгаллашининг кафолатидир.

Учрашувда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў.Раҳматов сўзга чиқди.

(ЎзА).

КОТИБЛАР ЎҚИМОҚДАЛАР

Минтақавий семинарларда

Узбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг қарорига мувофиқ, шу йил 15 июль куни, Наманганда Ўзбекистон ХДП Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари шаҳар ва туман кенгашлари биринчи котибларининг минтақавий семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари диққат-марказида партиямизнинг мамлакатда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги иштирокини кучайтириш вазифалари, унинг парламентчилик, ташкилий-сиёсий, мафкуравий фаолияти, МК XVII пленуми қарорларини бажаришга оид масалалар турди. Бу ҳақда Марказий Кенгаш биринчи котиби А. Жалолов маъруза қилди. У республика Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобининг бой мазмун-моҳиятини ХДП аъзолари томонидан ўрганишни уюштириш, унда баён этилган ғоя ҳамда қоидаларни аҳоли ўртасида тарғиб қилишда партия ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш вазифаларига алоҳида тўхталди. Маърузачи Ўзбекистон давлат мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказишда юртбошимизнинг ушбу асарига таяниш лозимлигини таъкидлади.

Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Наманган, Андижон, Фарғона вилоятлари кенгашлари биринчи котиблари Н. Қозоқов, Р. Мухторов, А. Эгамбердиев, Турақўрғон, Асака, Бешариқ туманлари ва Наманганшаҳар кенгашлари биринчи котиблари У. Бурхонов, З. Бозорбоева, А. Ёқубов, М. Шарипова ўзлари раҳбарлик қилаётган ташкилотларнинг партиямиз дастурий ғояларини рўёбга чиқаришдаги амалий фаолияти, ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги иштироклари, давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, корхоналар, хўжаликлар маъмурияти, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қилиш соҳасида тўпланган тажриба, ишдаги камчилик, қийинчилик ҳамда муаммолар ҳақида гапирдилар, уларнинг ечимини топишга доир фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Котиблар Наманган «Шойи» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, «Мингбулоқнефть» давлат ҳиссадорлик корхонаси бошланғич ва Чортоқ тумани маданият ходимлари ҳудудий партия ташкилотлари иш тажрибасини ўргандилар, Ўзбекистон ХДП сафига қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга аъзолик билетларини топшириш ҳамда Абдулҳамид Чўлпоннинг 100 йиллигига бағишлаб мазкур туман «Маърифат» марказида ўтказилган илмий-амалий анжуманда қатнашдилар. Наманган шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалари, маданий масканларини бориб кўриш, айниқса, Мулла Бозор Охунд мақбарасини зиёрат қилиш ва Боборахим Машраб номидаги истироҳат боғи билан танишиш анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Меҳмонлар, шунингдек Давлатобод туманидаги теннис корти, «Навбаҳор» стадиони, вилоят «Мерос» илмий-маърифий ва «Шарқ» табобат марказларида бўлдилар.

Семинар-кенгаш ишида Наманган вилояти ҳокими Т. Жабборов иштирок этди ва сўзга чиқди, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ. Авезов ҳамда вилоят ҳокими муовини И. Нажмиддинов қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Қирғизистонда «XXI аср маданиятининг улкан ва миллий йўналишлари» мавзуига бағишланган иккинчи Иссиқкўл анжумани бошланди. Унинг ташаббускори Қирғизистон халқ ёзувчиси Ч. Айтматовдир. Бишкекда бошланиб Иссиқкўл қирғоқларида давом эттириладиган учрашувларда турли мамлакатлардан келган давлат, жамоат ва диний арбоблар ҳамда фан ва маданият вакиллари иштирок этишяпти.***

* * *

☑ ***Покистон ташқи ишлар вазири Гоҳар Аюбхоннинг Ашхободга қилган ташрифи якунланди. Кеча у расмий ташриф билан Бокуга келди. Аюбхон Озарбойжон раҳбарлари билан Афғонистондаги вазиятни юмшатиш чора-тадбирлари юзасидан музокаралар олиб боради.***

* * *

☑ ***Кеча Украина парламенти мамлакат Бош вазирлиги лавозимига Валерий Пустовойтенко номзодини кўриб чиқди. Президент Леонид Кучма томонидан таклиф этилган номзодни мамлакат олий кенгаши барча гуруҳ ва фракциялари қўллаб-қувватлашди.***

* * *

☑ ***Белоруссиянинг Витебск вилояти билан Россиянинг Тверь вилояти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Икки вилоят ўртасидаги мол айирбошлаш шу йилнинг беш ойи ичида 2 миллион долларни ташкил этди. Бунда экспорт ва импорт бир хил даражада қайд этилди.***

* * *

☑ ***Малика Диана Буюк Британиядан жўнаб кетиш имкониятларини қидирмоқда. Унинг айтишига кўра буни ўғиллари Уильям ва Гарри истамоқда. Улар осойишта ҳаётга интилмоқдалар. Бундан ташқари Диана журналистларга яқин икки ҳафта ичида яна бир сирни очишни ваъда қилди.***

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Яқинда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасида Американинг Мерикарез ташкилоти томонидан ажратилган инсонпарварлик ёрдами Тошкентдаги тегишли муассаса вакилларига топширилди.

Шу муносабат билан уюштирилган тантанали маросимни жамғарма бошқаруви раисаси Гулнора Йўлдошева очди. Унда сўзга чиққан «Соғлом авлод учун» жамғармаси президенти Татьяна Каримова мазкур фонд амалга ошираётган ишлар ҳамда унинг турли хорижий ташкилотлар билан алоқалари кенгайиб бораётганлигини таъкидлаб ўтди. Сўнгра, пойтахтдаги тиббиёт ва маданият муассасаларига Мерикарез ташкилоти ажратган инсонпарварлик ёрдами топширилди.

Шунингдек, бу ерда бир гуруҳ ўзбекистонлик истеъдодли болаларни Бишкекда ўтказиладиган ёш мусиқачиларнинг халқаро тадбирига тантанали кузатиш маросими ҳам бўлди.

Шу куни «Соғлом авлод учун» жамғармасига ташриф буюрган Японияниг «Ниссо Иваи Корпорейшн» компанияси биринчи вице-президенти М. Гото мазкур хайрия ташкилотига ўз компанияси уюштирган инсонпарварлик ёрдамини топширди.

(ЎзА).

ЧЕВАРЛАР.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

ОЛМОНИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЖЎЖАЛАР

Бешариқ паррандачилик фабрикаси Олмониянинг «Ламана» фирмаси билан ҳамкорликда зотли товуқ тухуми ва тез семирадиган товуқ етиштиришни йўлга қўйди. Ўтган йил бошларида четдан олиб келинган 17 мингта бир кунлик жўжалар фабрикада маълум технологияга мувофиқ парваришланди. Жўжалар 45 кунда 1,5 килограмм тош босиб, тухум бера бошлади. Бир йилда 180 донадан тухум олинди. Ҳозир 33 мингта товуқ боқилмоқда. Бу йил 100 тонна парранда гўшти етиштириш мўлжалланган. Йил охиригача 1 миллион 300 минг дона тухум олинади.

Алишер ИБОДИНОВ.

Миллий қўшиқчилик

УСТОЗИНГИЗ БОРМИ, ХОНАНДА?

•Истаган сўзлар йиғиндиси қўшиқ бўладими?
•«На миллий, на...»
•«Биз меросимизни билмаймиз»
• Қўшиқ алладай азиз бўлсин

Биз кейинги пайтларда миллий қўшиқчилигимиз, миллий эстрадамиз ҳақида жуда кўп ва хўп ёзаяпмиз. Унинг ютуқлари, керак бўлганда оғриқ нуқталари ҳақида фикр билдираяпмиз, баҳслашаяпмиз. Бу соҳага ҳукумат миқёсида ҳам катта эътибор берилянпти. Лекин жиддий ўзгариш сезилмаётир назаримда.

Нега бундай деяпман?

Биз қанча гапирмайлик, ёзмайлик, тортишмайлик катта саҳналар, кези келганда радио-телевидение ҳам ҳаваскор қўшиқчиларга хизмат қилиб қоляпти. Хориж мусиқаларини ўзлаштириб, кўнглига келган ғалати сўзлар тизмасини «қўшиқ» қилиб олган ҳаваскорлар, куйиб-пишиб бизга — «Чўли ироқ», «Шошмақом», «Муножот»ларни эшитиб катта бўлган авлодга ҳам, «Санъат деган мана бундай бўлади» деб исботлашга ҳаракат қилаётир.

Ҳолбуки, қўшиқ миллатнинг қиёфаси, бўй-басти, миллат фарзандларини миллатга садоқат руҳида тарбияловчи бешик. Дунёдаги энг кучли тарғибот қуроли. Инсонга маҳзунлигида ҳам, шодлигида ҳам энг керак бўладиган малҳам. Шундай экан, хоҳлаган сўзини қўшиқ қилавериш, хоҳлаган нарсасини халққа мусиқа деб тақдим этаверишга ҳеч кимнинг маънавий ҳуқуқи йўқ. Ҳар бир халқнинг қўшиғи фақат ўша халққагина тегишли бўлган маънавий мулк ҳисобланади.

Ўзбекистон Композитор-бастакорлар уюшмаси раиси, таниқли бастакор Рустам Абдуллаев билан гурунгимиз ҳам шу ҳақда бўлди.

— Биласизми, биродар, бизнинг энг катта йўқотишимиз нимада,— дейди Рустам ака. —Биз меросимизни билмаймиз. Кечаги ва бугунги қўшиқчилигимиз ўртасида катта узилиш, бўшлиқ бор. Ана шу бўшлиқни тўлдирмас эканмиз, бу соҳада катта ютуқларга эриша олмаймиз.

Ўзбек халқи жаҳон мусиқа санъати хазинасига бебаҳо мусиқа дурдоналарини туҳфа этган. Биз бобомерос мақомларимиз, мусиқаларимиз билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Лекин бугунимиз билан-чи? Жуда ҳам ёмон деёлмагандек, жуда ҳам яхши дейишга-да, ҳаққим йўқ.

Биргина мисол: Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов ва бугунги бир қатор машҳур хонандаларимизнинг эл ичида обрў-эътибор қозонишларига сабаб нима? Яна қайтариб айтаманки, улар айнан бой меросимизга таяниб қўшиқлар, мусиқалар яратишган. Бугун чиқаётган ёшлар гуруҳлари ҳақида эса бундай деб бўлмайди. Улар Оврўпа, Осиё мусиқаларига тақлид қилиш билан овора бўлиб қолмоқдаларки, бу йўл билан узоққа бориб бўлмайди.

Шунингдек, кейинги йилларда бизда устоз-шогирдлик анъаналари ҳам йўқолиб кетиш арафасида турибдики, бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтмасак бўлмайди.

Шу сабабли, саҳналаримизда ёмғирдан кейинги қўзиқориндек ҳаваскорлар кўпайиб кетаяпти. Устозлар биринчи навбатда шогирдларига сўзни тушунишни, шеърни ҳис этишни ўргатганлар. Шеърнинг нафислиги, мантиғи, гўзаллигига катта эътибор берилган. Ана шундан кейингина чалиш йўллари, усуллари ўргатилган. Ҳар иккала санъатни ўзида мужассам қила олган шогирдгагина ижро этиш санъатидан таълим берилган. Бўлажак хонанда қўшиқ, ашула, мақомларни маромига етказиб куйлай оладиган даражага етгандан кейингина, устози уни халқ олдига, катта саҳнага олиб чиққан, эл олдида оқ фотиҳа берган.

Бугун-чи? Тўртта нотани бир қилиб тинғирлатишни билган одам борки, ўзича бастакор. Тўртта сўзни бир-бирига улаб хиргойи қилишни эплаган одам борки, ўзича хонанда. Бугун эстрада қўшиқчилигимиз нега бундай аҳволга тушиб қолди? Чунки эстрада қўшиқларини куйлаётган кўпчилик, яна таъкидлаб айтаман, кўпчилик хонандаларимиз на ўз миллий мусиқа меросидан, на жаҳон классик мусиқасидан хабардорлар. Ана шу билимсизлик натижасида кейинги пайтларда, чала қўшиқлар дунёга келмоқда.

— Рустам ака, сиз қандай ўйлайсиз, жаҳон қўшиқ шинавандалари ҳам бизнинг миллий қўшиқларимизни тан олишармикин?

— Албатта, тан олишади. Фақатгина биз ўз миллий меросимизга таянган ҳолда, бобомерос мақомларимиз, жаҳон классикасини чуқур билган ҳолда эстрада мусиқаларини яратишимиз керак. Мана мисол учун Ҳиндистон эстрадасини олинг. Биринчи нотасидан, сўнгги нотасигача Ҳиндистоннинг ҳиди келиб туради. Биз ҳам ана шу даражага етишимиз зарур. Бизда бунинг учун талантлар ҳам, имкониятлар ҳам мавжуд. Гап фақат меҳнатда қолган.

— Гап айланиб яна ўзингиз айттан чала қўшиқлар саҳнага қандай чиқиб кетаётганлигига тақалаверади. Айтингчи, нега бундай бўлаяпти? Чала хонандалар, чала қўшиқлар қандай қилиб катта саҳналарга чиқиб кетаяпти?

— Биринчидан, бадиий кенгашларимиз расман иш олиб бораяптилар холос. Агар улар жиддий ишласалар бундай бўлмасди. Иккинчидан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида қўшиқ шўъбаси бор. Қани суриштириб кўрингчи, бугун саҳналарда куйланаётган қўшиқларимиздан неча фоизи ўша шўъбадан ўтган экан. Шундай қатъий мезон белгилаш керакки, Ёзувчилар уюшмасининг қўшиқчилик шўъбасидан, Бастакорлар уюшмасидан рухсат олмаган бирор шеър ёки мусиқа катта саҳналарга чиқарилмасин. Ана шундагина биз сезиларли ютуқларни қўлга киритишимиз мумкин бўлади.

Энди уларнинг саҳнага чиқиб кетишига келсак. Ҳеч қачон, ҳеч бир хонанда ўзидан-ўзи саҳнага чиқиб қўшиқ айтавермайди. Унинг қўшиғи, мусиқасини кўрадиган, рухсат берадиган одамлар бор. Улар ҳам хонандаларни ўз қаричи билан ўлчашади. Савиясиз қўшиқ катта саҳнага чиқиб кетдими, бу ўша қўшиқнинг чиқиб кетишига сабаб бўлган одамнинг ҳам савиясизлигидан далолатдир.

—Мана, «Ўзбекнаво» Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзовдек устоз хонандалар хотирасига бағишланган танловлар ўтказди. Бир қанча ғолиблар, янги овозлар кашф этилди. Бу қўшиқчилигимизнинг янги поғонага кўтарилишига сабаб бўла олармикан?

— Албатта. Бу танловлар учун «Ўзбекнаво»ни табриклаш мумкин. Танлов ўтди. Ғолиблар аниқланди. Янги овозлар кашф қилинди. Энди «Ўзбекнаво» яхши бастакорлар, яхши шоирларни жалб этиб, улар билан расман шартнома тузиб, бир-бирига бириктириб қўйса нур устига аъло нур бўларди. Агар хонанда - бастакор - шоир учлиги дунёга келса маълум бир вақтдан кейин, дейлик, олти ой ёки бир йилда ана шу учлик тўлиқ репертуар билан янги концерт дастурини тингловчиларга ҳавола этсалар, мана буни янги поғонага кўтарилиш, қўшиқчиликда ўсиш деб баҳоласа бўлади.

— Рустам ака, бугун қўшиқчилигимизда яна нималар етишмайди деб ўйлайсиз?

— Назаримда бутун бошли қўшиқчилигимизни лирика эзиб қўяётгандек. Йўқ. Лирика керак эмас демоқчимасман. Лирика ҳам ўз ўрнида керак. Фикримча, қўшиқларимизда шиддат йўқ. Бугун бизга шиддатли, юракларга ўт солувчи, қалбларда ғурур туйғуларини тарбияловчи қўшиқлар даркор. Бунинг учун эса яна қайтариб айтаманки хонанда-бастакор-шоир учлигини — ижодий ҳамкорлигини яратишимиз зарур.

Яна бир мулоҳаза. Замонавий қўшиқчилигимиз савиясини кўтариш мақсадида бастакорлар, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзтелерадио компанияси, Маданият ишлари вазирлиги ва бошқа мутасадди ижодий жамоалар билан ҳамкорликда энг яхши миллий эстрада қўшиқлари танловини ўтказсак мақсадга мувофиқ бўларди. Бу умум ишимизга катта фойда келтиради, деб ўйлайман.

Суҳбатдош: Ислом ҲАМРО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«НЕГА СУКУТДАСИЗ?»

Тошкент шаҳар ҳокимлиги рўзноманинг 1997 йил 19 июнь сонида чоп этилган «Нега сукутдасиз?» сарлавҳали мақоласидаги фактлар бўйича қуйидагиларни маълум қилади.

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1997 йил 8 февраль сонида чоп этилган «Кабоб ҳиди безор қилди» сарлавҳали мақола бўйича жойига чиқилганда, мақолада келтирилган фактлар тасдиқланган ва кабобхона фаолияти тўхтатилган. Туман давлат солиқ инспекциясига ва туман санэпидстанциясига Бешёғоч мавзесида жойлашган савдо корхоналари фаолияти устидан назоратни кучайтириш юклатилган.

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1997 йил 9 январь сонида чоп этилган «Ҳаммом ҳаммомга ўхшасинда» сарлавҳали мақола бўйича текшириш ўтказилган ва ҳаммомнинг санитар ҳолати коникарли даражада эканлиги аниқланган. «Озодалик» масъулияти чекланган жамият раҳбари К.Раҳимжоновга ҳаммомда тоғаралар сонини кўпайтириш, совун билан таъминлашни йўлга қўйиш топширилган ва ҳозирги пайтда ушбу ҳаммомда буткул таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1997 йил 11 март сонида чоп этилган «Пойтахтда газсиз яшаб бўладими?» сарлавҳали мақола бўйича қайд этилган фактлар текшириб чиқилган. Жарариқ мавзесидаги 39-уй «Фароис» тижорат-ишлаб чиқариш фирмасига қарашли бўлганлиги, туман ҳокимлиги тасарруфига ўтказилмаганлиги туфайли туман ҳокимлиги томонидан 1997 йил 21 апрелда «Фароис» фирмасига хат юборилган. 1997 йил 3 июнидан бошлаб Жарариқ мавзесидаги 39-уй аҳолиси газ билан таъминланган.

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1997 йил 4 февраль сонида чоп этилган «Уйимга киролмай доғман» сарлавҳали мақоласи бўйича текширув ўтказилганда қўйидагилар маълум бўлди.

Боғкўча мавзеси 3-уйнинг учинчи хонадонига тегишли архив ҳужжатлари шуни кўрсатдики, ушбу хонадон фуқаро К.Шарипов аризасига биноан шу хонадоннинг 17,55 кв.м майдони ҳусусийлаштириш ҳақидаги 0901/4673 сонли ва Р.Бобожонова номига шу хонадоннинг 12,69 кв.м. майдонни ҳусусийлаштириш ҳақидаги 0901/4672 сонли уй-жойни шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи далолатнома берилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунининг 26-моддасига асосан хусусийлаштирилган мулк бўйича юзага келадиган низолар суд органлари томонидан ҳал қилиниши кўзда тутилган. Шунга асосан бу масала туман судида кўрилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари
А.МИРЖАЛИЛОВ.

«ҲАЁТДАН УЗИЛИБ ҚОЛМАНГ»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1997 йил 22 март сонида чоп этилган «Ҳаётдан узилиб қолманг...» сарлавҳали танқидий мақолада бу йил Тошкент шаҳрида пайдо бўлган «30-канал» телекўрсатувларида ҳорижий телесериаллар, видеоклиплар ва рекламалар ҳамда барча кўрсатувлар асосан рус тилида намойиш этилаётганлиги танқид қилинганди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги бу масалани ўрганиб чиқиб қуйидагиларни маълум қилади:

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, «30-канал» мақолада эътироф этилганидек, «ҳусусий телеканал» мақомига эга эмас. Ушбу телеканал Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги қошидаги «Вита ТВ плюс» телебирлашмасининг қарамоғида ташкил этилган. Мазкур телебирлашма 1996 йил Ҳалқ-аро радио ва телевидение ассоциацияси аъзолигига қабул қилинган.

Бевосита мақола юзасидан «Вита ТВ плюс» телебирлашмаси бошқаруви раиси Л.М.Кривовяз билан суҳбат ўтказилиб, давлат тилига алоҳида аҳамият бериш, реклама ва эълонларни «Давлат тили ҳақида»ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда эфирга узатиш ҳамда ички имкониятлардан келиб чиқиб, давлат тилидаги кўрсатувларни кўпайтириш, унинг мазмуни ва моҳиятига алоҳида эътибор бериш масалалари кўрсатиб ўтилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари
Ш.ЖАЛИЛОВ.

«САЙЛГОҲ» НЕГА ШОВҚИН?»

Юнусобод туман ҳокимлиги 1997 йил 10 апрелда «Ўзбекистон овози» рўзномасида чоп этилган «Сайлгоҳ» нега шовқин?» сарлавҳали мақолага қуйидагиларни маълум қилади:

Тошкент шаҳар ҳокимининг 1997 йил 26 майда қабул қилган «Шаҳар ҳудудида савдони амалга ошириш ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг белгиланган тартиб қоидаларига риоя қилиниши ҳамда умумий овқатланиш обеъктлари фаолиятининг ташкил этилиши устидан назоратни кучайтириш чоралари» тўғрисидаги 185-сонли қарорининг бешинчи бандида кўрсатилган «Аудио-видео кассеталар, компакт дисклар, грампластинкалар, ўйин катриджлари ҳамда караоке туркумларини аудио-видео асбоблари воситасида эшиттириш, кўрсатиш ва сиғиш фақат маҳсус студиялар ва стационар дўконларни товуш карнайларини ташқарига олиб чиқариш ҳуқуқисиз рухсат этилиши, стационар бўлмаган савдо объектлари орқали сотилиши таъқиқланади», деб кўрсатилган модда талаблари бажарилишини таъминлаш мақсадида туман ҳокимининг ижроия маҳкамаси бошқарма ва бўлим бошлиқлари давлат назорат инспекцияси, ички ишлар бўлими, СЭС ходимлари билан биргаликда гуруҳлар тузилиб, доимий рейдлар ўтказилмоқда. Рейдлар натижасида Сайлгоҳ кўчасида рухсатномасиз, қонунга хилоф ва белгилаб берилмаган жойда караоке махсус аппаратини қўйиб ишлаётган саккиз фуқарога умумий миқдорда 144.800 сўм даромад солиғи ҳисоблаб берилди ва кейинги фаолияти таъқиқланди.

Доимий ўтказилган текширишлар натижасида бу савдога чек қўйилди.

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари
Р.ҚУРБОНОВ.

Партиямиз хайрихоҳлари

КЕЛИН-КУЁВЛАР ПАРТИЯГА ЎТИШДИ

Пайариқ туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи икки ёш — Анвар Саннибоев ва Чарос Саннибоевалар бир-бирларига кунгил қўйишиб, умр ришталарини туташтиришга қарор қилишди. Ота-оналарининг розилиги билан яқинда ёшлар никоҳдан ўтди. Қизиғи шундаки, висол оқшомидан аввалроқ, улар Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига ўтиш учун ариза бериб қўйишган эди. Ёшларнинг тўй тантаналарида иштирок этган Пайариқ туман партия кенгаши биринчи котиби Э. Аҳадов уларнинг партиямиз сафига қабул қилинганлиги ҳақидаги аъзолик билетларини топширди.

Аъзолик билетининг шу ерда топширилиши жуда кўп ёшлар қалбида партиямизга бўлган қизиқишини уйғотди. Биз эса Чаросхон ва Анваржонлардан партиямиз сафига қўшилишга нима давъат этгани ҳақида сурадик. Улар бирваракайига Ўзбекистон ХДП аъзолари бугунги кунда барча соҳада бошқаларга намуна, республикадаги катта сиёсий кучдир, дейишди.

Р. САФАРОВА,
Пайариқ тумани.



Саратон шиддати. Абдулғани ЖУМА олган сурат.

«КИБО» — «КИБОЖОН»

Чирчиқ шаҳрида Германия билан ҳамкорликда ишга туширилган болалар пойабзали қўшма корхонаси маҳсулотлари болаларга манзур бўлди. Табиий чармдан ишланган кўҳлик оёқ кийимларини фарзандларимиз эрта-индин «Кибо» — «Кибожон» деб суюши ҳеч гап эмас. Ҳозирда МДҲ мамлакатларида бу маҳсулотни сотиб олишга қизиқиш билдирилмоқда. Янги корхона шу кунгача 10 хил кўринишда 60 мингта пойабзал тайёрлаган бўлса, бу рақам йил охирига бориб 200 минг донадан ошади.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

ХЕВАДА ҲАР КУН ОШ

Хоразм шаҳрининг юбилейолди қурилиш-таъмирлаш жараёни қизғин давом этмоқда. Хевани асл ҳолига келтириш йўлида саъй-ҳаракат қилаётган 600 нафар қурувчи, уста ва ҳашарчиларнинг қўлиқўлига тегмайди. Хусусан, қалъада ишлаётганлар учун ҳар куни тушликка дошқозонларда ош дамланмоқда. Савобталаб жамоалар бундай хайрли ишга ҳомийлик қилишмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН.

Қўнғироқ

БИРИГА ЭШИК... БИРИГА ТЕШИК

ёки хусусийлаштиришдаги антиқа ҳангомалар

Аслида унинг тадбиркор бўлиш хаёлида йўқ эди. Чунки у Қўқондаги «Хизмат» маиший уйи қошидаги «Гўзал» маиший хизмат корхонасида раҳбар бўлиш билан бирга бичиш-тикиш бўйича етакчи мутахассис эди. 1994 йилнинг декабрида мазкур корхона ишини вилоят бўйича намуна қилиб кўрсатиш мақсадида бу ерга республика Бош вазири ўринбосари, вилоят ва шаҳар ҳокимлари, маиший хизмат уйларининг раҳбарлари ташриф буюришди. Улар «Хизмат» жамоа корхонаси иши билан танишув давомида корхона фоесида ўз маблағи эвазига қурган кафе ва фирма дўконларини кўздан кечиришиб, Ҳафиза Аҳмедованинг ишига юксак баҳо бердилар. Ва улар аҳолига маиший хизмат турларини янада ошириш,тадбиркорлик ва рақобатни кучайтиришда хотин-қизларнинг ўрни беқиёслигини таъкидлашиб, унга мустақил корхона ташкил этишни таклиф этдилар. Бунинг учун амалий ёрдам кўрсатиш ваъда қилинди.

Ҳ. Аҳмедова корхонани хусусий қилмасдан илгариёқ республика Тадбиркор аёллар уюшмасининг бевосита ташаббуси билан Германиянинг Сиёсат ва тараққиёт жамияти «Гўзал» маиший хизмат уйига 43 та тикиш-бичиш машинасини келтириш юзасидан шартномалар тузган эди. Ўрни келганда айтиш лозимки, Германия ва умуман Европа давлатларида жамоа мулкини мулк сифатида тан олишмайди. Лекин шунга қарамасдан Ҳ.Аҳмедовага чет эллик ҳамкорлар ишонч билдиришиб, болалар кийимларини тайёрлаб гўдаклар уйига хайрия этиш ва корхонани хусусийлаштириш шарти билан тикув машиналари ҳадя этадиган бўлишди. Германиядан Ҳ.Аҳмедова номига жамият раиси доктор Клаус Позердан мактублар келиб турди. Бироқ хатларнинг аксарияти биз сиз билан яна ҳамкорликда иш юритамиз, фақат бир нарсага аниқлик киритишингизни сўраймиз, деган мазмунда эди: «...Сизнинг бизга жавоб мактубингизда «Гўзал» кичик корхонаси «Хизмат» жамоа корхонаси таркибида деб ёзилган. Унда «Хизмат» жамоа корхонасининг «Гўзал» билан қандай боғлиқ томони бор? Улар ўзларининг хусусий тикувчилик корхонасига эгами? Эндиликда сизга жўнатган машиналаримиз кимнинг мулкига айланди? Кейинги мактубларингизда ана шу саволларимизга батафсил жавоб беришингизни сўраймиз?...» Хатнинг мазмуни ҳам кўрсатиб турибдики, германияликлар асосан хусусий мулк билан иш юритишни хуш кўришади.

Табиийки, тадбиркорликка ундовчи ана шу сўзлардан сўнг у ишга астойдил киришди. Лекин у ўйлагандай барча ишлар хамирдан қил суғургандек битавермади. Бир йил ўтгач, республика Давлат мулк қўмитаси вакиллари ва Тадбиркор аёллар уюшмаси раҳбарларининг аралашуви билан «Хизмат» жамоа корхонаси жойлашган бинонинг 3-қавати «Гўзал» маиший хизмат корхонасининг раҳбари Ҳ.Аҳмедовага, 1-, 2-қаватлари, ҳовли ва унда жойлашган иншоотлар, қурилмалар ҳамда бинонинг фасад томонига туташган ҳудуди «Хизмат» жамоа корхонаси раҳбари Н.Назаровга хусусийлаштирилиб берилди. Натижада бино атрофидаги барча ҳудудлар Н.Назаров тасарруфига ўтказилгач, бир пайтлар Ҳ.Аҳмедова унинг ўзи билан келишган ҳолда бинонинг ўтиш фоесига қурдирган қаҳвахона, фирма дўконларини кўчириш муаммоси юзага келди. Шунингдек, учинчи қаватда жойлашган «Ҳафиза» (собиқ «Гўзал») фирмаси ишчи-хизматчилари ва мижозларига ҳам бирмунча қулайликлар туғилди. Чунки улар ҳар гал фирмага қириб-чиқишда Н.Назаровга қарашли ердан ўтиш, улардан турли хил даккилар эшитишга тўғри келарди-да. Ахир учинчи қаватга осмондан чиқиб ёки тушиб бўлмайди-ку! Нима қилиш керак? Бу хусусда «Ҳафиза» фирмаси раҳбарлари бино ва фоеларнинг тенг тақсимланишини талаб этиб, вилоят ва республика Олий хўжалик судларига бир неча маротаба мурожаат этишди. Бироқ ҳар гал масала Н.Назаров фойдасига ҳал этилаверди.

Бу ҳам етмагандек, шу йилнинг 13—14 июнь кунлари вилоят хўжалик судининг 2.12.96 йилдаги 771-7 ва республика Олий хўжалик судининг 14.05.97 йилдаги қарорларига асосан «Ҳафиза» фирмасини кўчириш ишлари бошлаб юборилиб, Ҳ.Аҳмедовага тегишли кафе ва фирма дўконлари бузиб ташланди. Нега шундай қилинди? Бунга ўша жойлар «Сифат» (собиқ «Хизмат») хусусий корхонасининг раҳбари Н.Назаровга тегишли бўлгани учун-да, дейиш мумкин. Аммо масалага қонуний жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, Н.Назаровга Фарғона вилояти давлат мулкини бошқариш ҳудудий бошқармаси томонидан хусусийлаштириб берилган ҳовли ва файе аслида ҳеч кимнинг мулки бўлмаслиги керак. Агар бу борада Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрдаги «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси 3-бандига назар соладиган бўлсак, унда шундай дейилган: **«Давлат корхонаси жамоа корхонасига айлантирилаётганда корхона балансида бўлган ижтимоий инфраструктура ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш объектларининг қиймати объектнинг савдо баҳосига киритилмайди».** Сабаби бу турли хил низоларга олиб келиши мумкин. Худди шунингдек, бу ҳолат республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 июлдаги «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда хусусий мулк қилиб сотиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 8-бандида янада аниқроқ қилиб кўрсатилган. Чунончи, **«Давлатларида жамоа мулкини мулк сифатида тан олишмайди. Лекин шунга қарамасдан Ҳ.Аҳмедовага чет эллик ҳамкорлар ишонч билдиришиб, болалар кийимларини тайёрлаб гўдаклар уйига хайрия этиш ва корхонани хусусийлаштириш шарти билан тикув машиналари ҳадя этадиган бўлишди. Германиядан Ҳ.Аҳмедова номига жамият раиси доктор Клаус Позердан мактублар келиб турди. Бироқ хатларнинг аксарияти биз сиз билан яна ҳамкорликда иш юритамиз, фақат бир нарсага аниқлик киритишингизни сўраймиз, деган мазмунда эди: «...Сизнинг бизга жавоб мактубингизда «Гўзал» кичик корхонаси «Хизмат» жамоа корхонаси таркибида деб ёзилган. Унда «Хизмат» жамоа корхонасининг «Гўзал» билан қандай боғлиқ томони бор? Улар ўзларининг хусусий тикувчилик корхонасига эгами? Эндиликда сизга жўнатган машиналаримиз кимнинг мулкига айланди? Кейинги мактубларингизда ана шу саволларимизга батафсил жавоб беришингизни сўраймиз?...» Хатнинг мазмуни ҳам кўрсатиб турибдики, германияликлар асосан хусусий мулк билан иш юритишни жойларда ёки маъмурий биноларда жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари банд қилган ер участкалари хусусий мулк қилиб сотилмайди»,** дейилган. Бундан кўриниб турибдики, бу можароларнинг асосий сабабчиси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси мутахассислари бўлиб, улар ушбу қоидаларни қўпол равишда бузишган. Умумий фойдаланишда бўлган бинони икки кишига хусусийлаштириш чоғида адолат тарозусининг палласини тенг тутмаган ва бирига эшикни, бирига эса тешикни бўлиб беришган. Бўнга вилоят ва республика Олий хўжалик судлари ҳам эътибор беришмаган. Ваҳоланки, хўжалик судлари вилоят давлат мулк қўмитасининг хусусийлаштириш борасида йўл қўйган хатоларини обдон ўрганишиб, икки киши эгалик қилаётган бино ҳовлиси, ўтиш фоеси тенг иккига тақсимланиши ёки умумий фойдаланишда бўлишини таъминлаши лозим эди. Ана шунда юқоридаги можаролар юз бермасди. Ҳозирча ана шу можароларнинг жабрини бир талай тадбиркорлар тортиб, ўз иш жойларига эшик қолиб, тешикдан қириб юришибди.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,
Ҳамид СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбирлари, «Ўзбекистон овози» учун махсус тайёрлаган.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

ГОҲ ҲУҚУҚНИ БИЛМАСЛИК, ГОҲ ҲИЙЛАЙИ ШАРЪИЙ

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари, ҳуқуқшунос олимлари, оммавий ахборот воситалари билан учрашган чоғида билдирган фикр-мулоҳаза ва берган кўрсатмалари, очиғи, кўпчиликни ўйлантириб юрган муаммолардан эди. Унда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозимлигининг уқтирилиши, ўйлашимизча, яқин келгусида кишиларимиз онгида маънавий самаралар беришига ишонч уйғотади.

Дейлик, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этолмай, ким нима деса, ўшанга ишониб, елиб югуриб, сарсон, асл қонун ҳужжатларини ўқимай, билмай юрганлар озми?

Зиёли тоифадагилар, эҳтимол, жиллақурса, ўзига тегишли ҳужжатларни билишар, аммо бошқа қонунқоидаларни, ҳатто қонунлар қонуни ҳисобланмиш Конституциямизни ҳам керак бўлгандагина қўлга оладиганлар кам эмас...

Бизда баъзан тартиб-қонундан кўра шахсий муносабатлар кўпроқ рол ўйнаб кетади. Аслида шундоқ бўлиши керакми? Бу на демократик, на ривожланаётган давлат характерига мос келмайди. Бундоқ олганда қариндош-уруғчилик, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик қусурлари кўзга кўринмайдиган муносабатлар ҳокимиятини юзага келтирадики, на қарор, на фармойиш, на қонун бу ҳокимият қошида ип эшолмай қолади. Оқибатда ўзини оқламоқчи бўлган фуқаронинг руҳи синади, адолатга ишонмай қўяди. «Ё зўринг, ё зарринг бўлсин экан-да» деган хулосага келади.

Фикримизча, энг аввал ҳокимиятларда мутасадди раҳбарларнинг ўзлари қонун ва ҳуқуқ ҳимоячилари бўлишлари лозим. Ҳуқуқ-тартибот идоралари масъулларидан ҳам биринчи галда шуни талаб этишлари керак. Агар раҳбарда муттаҳамлик, тили қисиқлик жойи бўлса, «шунга бир ёрдам қилинг, ўзимизнинг одам, тушунасиз-ку» қабилида иш тутади. Аксинча, ҳалол, қонунларга садоқатли бўлса, асл холис ҳуқуқни талаб қилади, ҳалол фуқаронинг ёнини олади.

Учрашувда Президентимиз одамларнинг баайни манфаатларини кўзлаб қуюнаётганликларини ўйлайманки, ҳамма ҳис қилиб турди. Зеро, ҳадисларда айтилганидек: «Ўзига раво кўрмаганни ўзгага ҳам раво кўрмагунча ҳеч ким чин мўмин бўла олмайди».

Ҳуқуқнинг тармоқлари кўп. Юртбошимиз мустақилликни ҳам ўз эркига эга бўлиш ҳуқуқи деб тўғри таърифлади. Гап ундан оқилона фойдаланишда. Аммо охирги кезларда кўпинча қонунни четлаб ўтиш орқасидан юз берастган жиноятчиликлар ҳақида матбуотда бот-бот ёзилмоқда. Айниқса, савдо-сотиқ, товар-моддий бойликларни четга олиб чиқиб кетилаётганда юз берастган кўзбўямачиликлар фош қилиняпти.

Ҳуқуқни билганлар баъзан қонуннинг ҳам кўзини ўймоқчи бўлишади. Улар мамлакатимизда бозор муносабатларига кенг йўл очиб берилаётганидан ўз чўнтаклари учун тезда фойдаланиб қолишни ўйлайдилар. Мана, «Цукар-бизнес» фирмаси ҳамма ёққа шовшув бўлди: нақд пулларингизни бизда сақланглар, бир йил ичида фалон фоиз қилиб тўғдириб берамиз, биз сизларнинг пулингиздан шакар олиб фойдаланиб турамиз. Лаққа тушган одамлар бу антиқа рекламанинг ортида қандай лўттибозликлар яширинганини билмай, топган пулларини опкелиб топшира бошладилар ва оқибатда кўп утмай «бизнесчи-шакаргуфторларнинг» чуви чиқди.

Ўнлаб мижозлар фоизи тугул ўз пулларини ҳам ололмай саргардон бўлганларини кўзимиз билан кўрдик.

Куни кеча республика Прокуратураси ташқи иқтисодий фаолиятда порахўрлик, талон-торож қилиш ва бошқа суиистеъмолларга қарши кураш бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси, адлия кичик маслаҳатчиси Жумабой Мусурмонқулов билан шу хусусда гурунг қилиб қолдик.

У киши яқинда ҳукм чиққан бир жиноий ишни гапириб берди. Асли Олтой ўлкасида туғилган Ўзбекистон фуқароси Александр Маслов деган тижоратчининг Фарғона шаҳри ва вилоятида қилиб юрган ноқонуний ишлари шу даражага етганки, охир-оқибат унинг ҳамтовоқлари билан давлатга етказган зарари 10 миллион 39200 сўмни ташкил этган.

У «Қобилбек» деган фирманинг иши юришмаётганлигини, уларга ёрдам зарурлигини эшитиб, Володя орқали фирманинг муҳр ва штампини қўлга киритади. Ўзи бошлиқ бўлган «Скиф» кўп тармоқли хусусий фирмасининг ишчиси У. Алимбековни гўё «Қобилбек» фирмасининг умумий йиғилиши қарорига кўра раиси этиб тайинлаб, фирмага банкдан 3 миллион сўм пулни ҳам ундиради, бу пулни ҳар хил фирмаларга маҳсулот ва товарлар учун дея ўтказиб ўзлаштириб юборади. Қизиғи шундаки «Қобилбек» фирмасининг таъсисчилари А. Жумаматов, Р. Маҳмудова, Г. Аҳороваларр бу қилғиликлардан бехабар қолишади, ўз фирмаларига ким бошлиқ бўлдию улар нима ўйинлар қилишган —билишмайди! Володяга ишониб, муҳр ва штампни бериб юбориб юраверишади! Бу орада банк фоизли кредитининг муддати тугагани учун суриштира бошлайди. Айбдор — У. Алимбеков, чунки у қарз олган «Қобилбек» фирмасининг раиси. Пулни ўзлаштирган. А. Маслов эса думини тутқазмайди. Бироқ солиқ қўмитаси ходимларининг текширувидан сўнг бу ерда оғир жиноят ётганлиги маълум бўлиб қолади ва иш прокуратурага келиб тушади.

Шу ерда «Қобилбек» фирмаси таъсисчилари нафақат ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаганлар, боз устига ўта масъулиятсизлик қилишганини ўйлаб ичинг куяди.

Маслов жаноблари аввалдан суд терговида юрган бўлишига қарамай, мол-мулкларни ўзлаштириш билан шунақа тап тортмай шуғулланганки, ёқангизни ушлайсиз. У 1995 йилнинг июнь-июль ойларида ҳужжатсиз божхона хизматидан жами 4 миллион 762989 сўмлик 76345 кг. пахта толаси ва 610512 сўмлик 8228 кг. рангли металлни олиб ўзлаштирган, аммо бу моллар 1995 йил 15 ноябрь куни, яъни орадан тўрт ой ўтгач, рақамсиз, қалбаки юк хати тузилиб, ўзларича ҳужжатлаштирилган. Юк хатига божхона хизмати бошлиғи П. Юсупов, бош ҳисобчи муовини И. Парфенова, божхона хизмати бош инспектори Б. Солиев ва «Скиф» фирмаси директори А. Масловлар имзо қўйишган.

Аслида Парпи Юсупов 1995 йил 25 июлдан бошлаб Фарғона вилоят божхона хизмати бошлиғи бўлиб ишлаган, масъул мансабдор шахс бўлишига қарамай ўз ваколатларини суиистеъмол қилишдан бошлаган ишни. «Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 22 мартдаги «мусодара қилинган, эгасиз ёки мерос ҳуқуқи тартибида давлат тасарруфига ўтган мулклар ва топилмаларни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тўғрисида»ги қарор низомига зид ишларни қўрқмай амалга ошираверган. Мазкур Низомга кўра божхона хизмати томонидан берилган буюмлар суммаси ўз вақтида, тўлиқ келиб тушиши назорат қилиниши, буюмларни қабул қилиб олган шахсларга уни сақлаш масъулияти ва жавобгарлигини топшириш, мусодара қилинган буюмлар нархини ҳокимият томонидан тайинланган ҳаракатдаги доимий комиссия вакиллари белгилаши, буюмлар фақат савдо дўконларида сотилиши, қайта ишланадиганлари эса давлат кооперативи ва бошқа корхоналарга сотилиши керак. Бунинг ўрнига П. Юсупов 1995 йил давомида ушланган ва мусодара қилинган буюмларни «Скиф» кўп тармоқли хусусий фирмаси раиси А. Масловга сақлаб бериш учун топшириб юборади. Моддий бойликларни ўзларича баҳолашади, сохта ҳужжатлар тўлдириб, уларни ҳеч қаердан рўйхатдан ўтказмасдан давлатга жами 5 миллион 372501 сўмлик моддий зарар етказилади.

П. Юсуповнинг муовини З. Позилов ҳам қонунбузарликда бошлиғидан қолишмайди. Масалан, «Скиф» фирмасининг раиси А. Маслов 1995 йил 30 ноябрда Фарғона вилоят божхона хизмати бошлиғи П. Юсуповга хат орқали мурожаат қилиб, халқаро «Болменсан-Пукайткан» Таиланд компаниясига жўнатилаётган 3 та вагонга юклатилган «Прима» пахта момиғини ва бошқа пахта линтларини республикадан ташқарига чиқариш учун тўланиши лозим бўлган бож тўловини тўламасдан чиқаришни, ушбу бож тўлаш муддатини узайтириб беришни сўрайди. Қизиғи шундаки, бу расмий хат ҳам божхона қайд этиш китобида рўйхатга олинмасдан божхона бошлиғи ўринбосари З. Позилов томонидан кўриб чиқилиб, қонунга хилоф равишда А. Масловнинг илтимосини қондиради, натижада бир неча миллион сўмлик бож тўлови тўланмасдан пахта момиғи Таиландга равона бўлади.

Охир оқибатда Маслов Фарғона вилояти божхона хизматидан унга ишониб топширилган жами 10 миллион 5455§4 сўмлик моддий товар бойликларни ўзлаштириб юборган.

Булар давлатнинг, одамларнинг кўзини бўяб амалга оширилган уюшган жиноятчилик кўринишларидир. Биз ҳар доим маънавият, ватанпарварлик, элим деб, юртим деб ёниб яшаш тўғрисида ёзамиз, гапирамиз, куйлаймиз. Биз юқорида тилга олган кимсалар эса бу тушунчалардан мосуво инсонлардир. Уларни Ватан хоинлари дейиш, балки тўғри бўлар. Президентимиз бир ёқда оддий одамларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақида жон куйдириб ётса, сиёсат шуни тақозо этаётган бўлса-ю, айримлар ўша оддий одамларнинг етиштирган бойлигини, нонини, ризқини туя қилиб ётса... бу хоинликдан бошқа яна нима бўлиши мумкин?

Ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, ҳужжатларни сохталаштириш натижасида давлат ва халқ мулкини ўмариш каби ишлар бот-бот учраб туради. Республика Прокуратураси коррупцияга қарши кураш бошқармаси терговчилари томонидан очилган бир талай жиноят папкалари назардан кечирилганда бунга гувоҳ бўласиз. 23/120-95 рақамли назорат юритиш иши папкасини варақлай туриб қуйидагиларни ўқидим: «Абдазимов Ибрагим 1988 йилдан бошлаб Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги А. Икромов номли пахта тозалаш заводи директори бўлгани ҳолда, мансаб мавқеини қасддан, унга ишониб топширилган ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш каби ғараз мақсадларда суиистеъмол қилиб, хизмат юзасидан ўз бўйсунувида бўлган А. Икромов номли пахта тозалаш заводи тайёр маҳсулотлар бўлими товаршуноси Қодиров Бахтиёр билан шу жиноятни содир этиш учун олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, шу жиноятга ташкилотчилик қилиб, «Ўздавпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик уюшмасининг 1993 йил 13 декабрдаги 244-сонли буйруғига асосан республика пахта тозалаш заводларида мавжуд бўлган иккиламчи маҳсулотларни қайта саралаш ва саноатда қайта ишлашга яроқсиз бўлган қисмини аниқлаш учун тузилган далолатнома республика ва Жиззах вилояти давлат «Пахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик уюшмалари масъул мутахассислари томонидан 1994 йил 11 январь куни А. Икромов номли пахта тозалаш заводида кўп йиллар сақлангани сабабли саноатда қайта ишлашга яроқсиз ҳолга келган пахта линтлари кўздан кечирилиб, завод бўйича жами 77 тонна пахта линти яроқсиз деб топилиб, далолатномалардаги 77 рақами олдига «І» рақамини қўшиб ёзиб, «177» қилиб ўзгартириб расмий ҳужжатни қалбакилаштириб, давлат баҳоси ҳар бир тоннаси 207 сўмдан жами 20700 сўмлик 100 тонна 3-тур 3-навли саноатда қайта ишлаш учун яроқли бўлган пахта линтини «саноатда қайта ишлаш учун яроқсиз» деган баҳонада 1994 йил 8 сентябрда жуда арзон нархда ҳар тоннасини 45 сўмдан жами 4500 сўмга, аслида бўлмаган ва ўйлаб топилган А. Ҳақбердиев деган шахс номига қалбаки ҳужжатлар орқали расмийлаштириб, харажатга чиқариб, аслида эса тергов даврида аниқлаш имконияти бўлмаган манбаларга сотиб ўзлаштириб, ўз шахсий манфаатларига ишлатиб талон-торож қилган.

Бу «ишбилармонлар» ўша юз тонна «йўқ» пахта линтини пулга айлантириш учун манзилга кетаётган вақтда Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилоятида қўлга тушган ва айбдорлар қонуний жазоға тортилдилар.

Мамлакатнинг қонунлари барча фуқаро учун бирдек муқаддас бўлиши керак. У айримлар учун имтиёз, қолганлар учун тусиқ бўлиб қолиши мумкин эмас. Бош қонунимизнинг 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир» дейилади. 48-моддада эса «Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар» дея уқтирилади.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган жамиятимиз ривожининг беш тамойилидан бири қонун устуворлиги эди. Бугун ҳуқуқий маданиятни ошириш ҳам алоҳида вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Бу вазифани адо этмасак, ҳар қадамда чигал вазиятлар туғилаверади, тартибсизликка барҳам бериб бўлмайди.

Собир ЎНАР.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Мухолифатга қарашли «Фрекуэнсиа латина» телеканалининг мамлакат хавфсизлик хизмати ходимлари телефон орқали кўплаб сиёсатчи, хорижий дипломатлар, ишбилармон ва журналистларни таъқиб этаётгани ҳақидаги хабари Перуда катта сиёсий шов-шув уйғотди. Айни пайтда мухолифат фракцияларидан бирига раҳбарлик қилаётган Фернандо Оливера бу ишни бевосита Президент Алберто Фухимори билан боғлиқ деб, ундан истеъфога чиқишни талаб қилмоқда.

Перу матбуотининг ёзишича, хафсизлик хизмати томонидан ўтказилган «Телефон орқали жосуслик» операциялари телевидениеда бир неча бор такроран намойиш этилган ва натижада барча сиёсатчи, ишбилармон ва журналистлар ўзларининг сирли гаплари ёзилган магнит тасмаларини эшитган. Ҳозир бутун мамлакат бўйлаб хавфсизлик хизмати ҳамда Президентга норозилик билдирилмоқда. Ф. Оливера эълон қилган баёнот ҳам кўплаб депутатлар томонидан қўллаб-қувватланаётир.

* * *

АҚШ ҳукумати Шимолий Кореяга озиқ-овқат ёрдами сифатида яна 100 минг тонна ғалла етказиб беришга қарор қилди.

Маълумки, 9 июль куни БМТнинг жаҳон озиқ-овқат дастури махсус баёнот эълон қилиб, унда ривожланган мамлакатларни КХДРга 45 миллион АҚШ доллари ҳажмида озиқ-овқат етказиб беришга даъват қилган эди. Оқ уй маъмуриятининг ушбу қарори ана шу даъватга жавобдир, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Покистон ташқи ишлар вазири Гавҳар Аюбхон расмий ташриф билан Туркманистон пойтахтига келди. Унинг Президент Сапармурод Ниёзов билан бўлиб ўтган учрашувида ўзаро ҳамкорлик, шунингдек, қўшни Афғонистондаги вазият, хусусан, у ердаги можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

* * *

АҚШда кашанда ота-оналар туфайли ҳар йили 6 мингдан ортиқ гўдак нобуд бўляпти. Америкалик мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, оналарнинг ҳомиладорлик пайтида чекиши сабабли, йил давомида 3 мингта яқин бола турли туғма касалликлар билан туғилади. Шунингдек, ота-оналарнинг болалар ёнида чекиши оқибатида минглаб бола нафас йўллари касаллигига чалинади ва уларнинг аксар қисми қисқа вақтда оламдан ўтади.

ОЛАМ КЎЗГУСИ

***

Исроилда бошланиши керак бўлган халқаро яҳудийлар олимпиадаси кутилмаганда юз берган фалокат туфайли бир неча кун ортга сурилди. Куни кеча мазкур олимпиаданинг очилиш маросими ўтказилаётган вақтда Яркон дарёси узра бу ерга уланган кўприк қулаб тушди. Натижада австралиялик бир спортчи қиз ҳалок бўлди, 60дан ортиқ киши жароҳатланди.

Исроил ички хавфсизлик вазири Авигдор Кахаланинг таъкидлашича, фожеа ўша вақтда кўприкдан ҳаддан ташқари кўп одам ўтаётгани туфайли юз берган.

* * *

Ҳиндистонда ўтказилган Президент сайловида ушбу мамлакатнинг вице-президенти Кочерил Раман Нараянан ғолиб чиқди. Деҳлидан олинган маълумотларга қараганда, Нараянан сайловда 90 фоиз овоз олиб, рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган.

Кузатувчилар фикрича, 77 ёшли Нараянан ҳозир амал қилиб турган ҳукумат каолициясининг ва Ҳиндистон миллий конгресси номли партиясининг кўмаги билан муваффақиятга эришган.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Германиянинг «Фольксваген» йирик автомобилсозлик компанияси 1998 йилнинг кўкламидан бошлаб 60-йиллардаги «Жук» моделидаги машиналарнинг янги йўналишини сота бошлайди, деб хабар беради «Си-Эн-Эн» ахборот агентлиги. Ушбу машиналар Мексиканинг Пуэбла шаҳридаги заводда ишлаб чиқарилади. Дастлаб йилига 200 минг автомобиль ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Бунинг асосий қисми АҚШда сотилади. Янги машинанинг нархи 15 минг доллар. Бу билан компания Америка бозоридаги ўз ишларини яхшилаб олмоқчи.

* * *

Қўшма Штатлар Латвия, Литва ва Эстонияни НАТОга аъзо бўлиш учун асосий давогарлар, деб ҳисобламоқда. Бу ҳақда ДПА ахборот агентлиги мухбирига АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт Вильнюсга ташрифи давомида айтди. Олбрайтнинг айтишига қараганда Болтиқбўйи мамлакатларини қўллаб-қувватлаш орқали Америка иккинчи жаҳон урушидан олдинроқ бу мамлакатларга нисбатан қилган адолатсизлигини қопламоқчи.

БУ САФСАТА ЭМАС

Буюк Британия ташқи ишлар вазири Тони Блэр расмий ташриф билан бу ерга келган Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арафот билан учрашиб, Яқин шарқ минтақаси хавфсизлигига доир масалаларни муҳокама қилди.

Маълумки, келаси йили Буюк Британия Европа иттифоқи бошқарув органига раислик қилади. Шу маънода Тони Блэр мазкур минтақа хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар Европа иттифоқининг диққат марказида бўлажагини айтди.

* * *

Америкада СПИД касаллиги оқибатида ўлаётган одамларнинг сони камая бошлади. XX аср вабосига қарши кураш миллий марказининг директори Хелен Гейлнинг таъкидлашича, бу йилги рақамлар ўтган йилгига қараганда 19 фоизга камайган. Бунинг сабаби мазкур касалликка қарши янги дори-дармонларнинг қўлланилишидадир. Ҳозирда Америкада СПИДга қарши даволаниш учун битта бемор учун бир йилга 15 минг доллар керак бўлади. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда АҚШда 600 мингдан ортиқ киши ушбу дардга мубтало бўлган.



САЙР. Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ДАЛИЛЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Япония мудофаа вазирлиги мамлакат ҳукуматига навбатдаги «Оқ китоб»ни топширди. Минтақа ва жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазият таҳлил қилинган ушбу китобда ёзилишича, «Осиё ва тинч океани минтақасидаги мавжуд хавфсизликни барқарор деб бўлмайди. Чунки, минтақада ҳамон катта қўшинлар, шунингдек, ядро қуроллари сақланиб турибди. Бундан ташқари, айрим давлатлар ўз қуролли кучлари сафини кенгайтириб, ҳарбий техникасини такомиллаштиришдан тўхтагани йўқ».

«Оқ китоб» муаллифлари ўз ҳисоботини ҳукумат вакилларига топширар экан, асосан, қўшни Хитойдаги ҳарбий кучларнинг салоҳияти ошиб бораётганига диққат-эътибор қаратди. Шунингдек, ҳисобот тузувчилар Шимолий Кореяда ядро қуроли ишлаб чиқилиши мумкин, деган тахминлар ҳам борлигини айтиб, бу мамлакат билан «эҳтиёткорона» муносабатда бўлиш лозимлигини таъкидлади.

ВОҚЕАЛАР ГИРДОБИ

Кипрда ноқонуний пулларни ўзлаштиришга қарши халқаро анжуман ўз ишини бошлади. Кипр Марказий банки раҳбари Афксентис Афксентиумнинг таъкидлашича, ҳозирги пайтда дунё бўйича ўзлаштирилаётган ноқонуний пулларнинг миқдори 500 миллиард АҚШ долларидан бир триллионгача етади. Унинг айтишича, бу каби жиноий ишлар билан Сицилия, Колумбия, Хитой ва Япония мафиялари кўпроқ шуғулланмоқда. Кейинги пайтда уларнинг сафига чечен мафияси қўшилган. Мазкур жиноий гуруҳлар ўз фаолиятини Нью-Йорк, Франкфурт ва Цюрих каби йирик шаҳарларда олиб бормоқдалар.

* * *

«Ассошиэйтед Пресс» агентлигининг хабарига кўра Индонезия 2003 йилда атом электростанциясини қуради. Мамлакат раҳбарияти атом энергетикасини мамлакатнинг электр энергияга бўлган талабини қондиришда ягона имконият, деб ҳисобламоқда. Индонезия аҳоли сони жиҳатидан жаҳонда тўртинчи ўринда туради. Унинг иқтисодиёти эса Осиё қитъасида тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлардан биридир. Мамлакат ҳукумати камида 12 атом электростанциясини қуришни режалаштириб қўйган.

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 17-iyul, paishanba № 83 (22.167).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

ЭСКИ ТЎН

(Ҳикоя)

Ўғлим ҳар куни ухлаш олдидан эски, эт-бетидан увадаси қуриниб қолган чопонга ураниб олади. Бувамники! Қишлоқни соғинса тунни ҳидлаб ухлаб қолади... Ухлагач олиб қуяман. Бугун ҳам шундай бўлди. Бола-ку, бироз тун билан алахсиди-ю, сўнг пишиллаб ухлаб қолди. Менинг эса кўнглим нотинч бўлиб қоларди. Узоқ қишлоқ, катта йўл ўртасида қўл силкиб қолган отам кўз олдимда гавдаланаверди...

Ота уйи. Доимо болалар, хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, барибир дилда ажиб бир интилиш бор бу гўшага. Балки бу уй қуримсиз, муҳзагинадир. Ўз уйимиз ҳашаматлидир. Балки қасрдек келбати бордир. Йўқ, у уйга бутунлай бошқача бир интиқлик бўлади. Чунки ота-онанинг саройдек меҳри, соғинчи кутиб етади бизни. Ҳар қандай кошонага ҳам тез-тез боравер сангиз ортиқча ҳаяжонланмайсиз. Энтиқмайсиз. Ота уйига одам қанча кўп бормасин ҳар гал энтикаверасиз.

Биз опа-сингиллар, ака-укалар кўпроқ бир кунда ота-онамизни кўргани борамиз. Одат бўп қолган. Болаларимиз бувиси, бувасини талашиб кетишади. Ўғлим эса бувасининг унг тиззасини ҳеч кимга бермайди. Аслида ҳеч қайси бола унинг ўрнига даъвогар ҳам чиқмайди. Кузатувчанлигимданми, сезиб қоламан. Отам уни уй иссиқ бўлсаям чопоннинг барига ураб ўтиради. Бола бўлса йўлда чарчаб борадими, дарров элиб ухлаб қолади. Яқинда шу ҳолатни кузатиб ўтириб, отамнинг тўни эскириб қолганини кўрдим. Ҳаммамиз маслаҳатлашдик. Ҳадемай ҳайит. Янги чопон ҳайитлик қиламиз. Узоқ келишолмай ўтирдик, ким олади, ким олиб келади, ким пул қўшади. Бор-йўғи бир тунни беш киши оладиган бўлдик. Ҳайит куни яна уйга баримиз йиғилиб келдик. Отамга тўн кийдирдик. Онамгаям совға-салом, ҳайитлик, қилдик. Эски чопонга ўғлим эга чиқди.

1

— Оп кетаман, уйимга, бувамнинг чопони энди меники, — у осиқлик турган эски чопонга ёпишди.

— Қўй, тегма, туширib юборасан, нима қиласан, шаҳардай жойга эски чопонни ортмоқлаб, — катта холаси жеркиб берди.

Сардор бувасига юзланди, холасининг гапи алам қилди чоғи ўжарлиги тутди:

— Сурадим бувамдан, менга берди чопонни. Кўрасиз, оп кетаман! — ҳаммамиз гапидан кулдик. Негадир отам бошини секингина чайқаб қўйди. Боланинг бошини силаб, ташқарига етаклади.

— Бува, улар билмайди-а, барибир шаҳарга оп кетаман-а, — ўғлим бувасининг эгнидаги янги чопонни баридан тортиб ўзига қаратмоқчи бўлди. Отам нимадир деб юпатди, шекилли салдаёқ босилди бола. Айвондан унинг: «Чопондан-чи, сизнинг ҳидингиз келади, ойим дарров қишлоққа оп кемайдида. Ушанда, боғчадан келиб ураверасан-ку?! Лекин биз бешкиши бир тунни олдик. Тортишиб, яна бир-биримиздан қолгимиз келмай...

Яна қарайман. Отам шаштидан пастроқ. Буни бизга айтмади. Бошқалар сезмагандир ҳам.

Билмадим, отам ўксиб қолди. Ҳаммамиз уй-уйимизга отландик. Ҳар доимгидек отам, онам бизни катта кўчагача кузатиб чиқишди. Беҳосдан ўғлимнинг қўлидаги тугунга кўзим тушди. Отамнинг эски тўлиниб турди. Лекин қолганини англай олмадим.

Отам салдан сўнг тўнни ечиб қўйди. Балки янгилиги учун аягандир. Бундан биз ранжидик. Шунинг устига қўшнимиз Зумрад хола чиқиб қолди.

— Шаҳардаги катта чеварга буюртирибди болалар, мўл-кўллигини қаранг, — ойим дарров тўнни қўшнимизга кўрсатиб мақтай бошлади. — Тошканнинг асл тўнидан-да...

Тошканнинг асл тўнигами ё бизгами хола бироз ҳавасланиб қаради, негадир енгилгина хўрсиниб ҳам қўйди. Онамнинг гапларидан опаларимнинг дили ранжиди шекилли. Гўё тўнни менгина олиб келгандек.

— Ҳа, бизнинг оёғимиз шаҳарга ҳадеганда етмайди-да, шунинг учун атаганимизни қўшиб қўя қолдик, — деди катта опам. Келинимнинг қошлари сал чимирилди. Лекин гапиргани ўртанча опам гал бермади.

— Ўзи ўтган келганимизда қарасам, сал уринибди чопонлари, келинглар, ҳайитга барибир нимадир оламиз, яхшиси чопон олақолайлик дедим, — ўртанча опам четда қолгиси келмайди. Орага ғалати жимлик чўкди.

— Ўзи ўғлингиз ҳам айтиб юрувди, ёзда тўй қилганмизку, сал жойроқ ўзимиз олиб бермоқчийдик. Тўғрими, опа? — келиним кенжа опамга юзланди. Уям бу фикр ўзидан чиққанини айтиб олди. Онам ҳеч нарса демади. Балки оналаргагина хос сезгирлик билан болаларининг ножуя ишини яширгандир бу гал ҳам.

— Буюрсин, асл мол экан... — қўшнимиз айтдими бу гапни опаларимми билмай қолдим.

Отамгина назаримда ўксиб, қаддилари букилиб қолгандек кўринди кўзимга. Одатдагидек ўнг тиззасида «чирок» невараси — ўғлим. «Ҳа, болаларим... Болаларнинг бори яхши, улар давлат, қўшни катта давлат» дедилар. Тушуниб-тушунмай ҳа-ҳа деб бош иргаб қўйдик ҳаммамиз.

Отамнинг кўнгли чўкиб қолди. Ўйланиб қолдим. Нимани кўнглига оғир олдийкин? Қайси биримиз озор бердик экан? Шаҳардан тўн опкеган менми, пул қўшган опаларимми? Чопон олишни ўйлаб топган кенжа опамми? Катта тўй қилиб, эл-юртга ош берган ўқамми? Сидра-сидра сарпо-суруққа борини эплаган келинимнинг отамнинг тўнига қўли калталик қилиб қолганими? Ёки ҳозирданоқ эски тўниниям олиб кетишга чоғланаётган боламми?

2

Фикрларим чувалашиб кетди. «Бўлмағур хаёллар. Чарчабман, шекилли». Биз отамга тўн қилдик. Фақат... Болаликда янги кўйлак олиб беришса бутун маҳалладаги болаларга мақтаниб чиқардим. Қизиқ, ушанда кўйлагимга отам пул қўшиб онам олганмикин? Қайси биридан чиққанийкин янги кўйлак олиб бериш?! Қарангки, биз улгайгач совғаларимиздан улар бизданам кўпроқ гурурланишаркан?! Улар ҳар биримизга тинмай ҳали уни, ҳали буни олиб беришарди. Бирор марта отамнинг совғасига онам «мен айтувдим», онам кийгазган ироқи дўппимга отам «олиб бер» деганларини эшитмагандим-ку?! Лекин биз бешкиши бир тунни олдик. Тортишиб, яна бир-биримиздан қолгимиз келмай...

Яна қарайман. Отам шаштидан пастроқ. Буни бизга айтмади. Бошқалар сезмагандир ҳам.

Билмадим, отам ўксиб қолди. Ҳаммамиз уй-уйимизга отландик. Ҳар доимгидек отам, онам бизни катта кўчагача кузатиб чиқишди. Беҳосдан ўғлимнинг қўлидаги тугунга кўзим тушди. Отамнинг эски тўнини! Отамга қарадим. Тўсатдан уйқудан уйғонган одамдек гаранг бўлиб турдим. Отамнинг устида чопони йўқ эди.

— Сардор, тугунни бер, — ўғлим тугунни маҳкамроқ бағрига босди. Бувасининг орқасига беркинди мендан. Баридан тортмоқчийди... қўли ҳавода муаллақ қолди.

— Ия, бува янги чопонингиз қани? — деди жон ҳолатда. Тугунни бувасига бир узатгандек бўлди-ю, барибир бағрига босиб турaверди.

Ҳаммамиз ўгирилиб отамга қарадик.

— Ҳа, ота! — катта опам бироз овозини баландлатиб гапирди.

Отам бўлса бошини маъюсгина чайқади.

— Мана, чопон, мана, — келиним ойимнинг қўлига тутқазди.

— Ҳай. Розия! (катта опамнинг отини айтиб чақиради) яна эсдан чиқарибсиз-а, манг. Кийиб олинг, қизларимиз шаҳардай жойдан оп кепти-я...

Онам чопонни отамнинг елкасига ташлаб қўйди. Ҳаммамиз жунаб кетдик. Бироз юриб машина орқа ойнасидан қарадим. Йўл ўртасида онам бизга қўл силкиб турарди. Ҳасса ушлаган отам бўлса нимагадир кўзини ишқаларди. Елкасида омонатгина илинган тўн. Негадир ортимга қайтгим кеп кетди. Эски чопонни кўзимга суртгим, бўғзимга тиқилган йиғини шу билан қайтаргим келди. Қайтсам опаларим ҳам қайтади. Йўқ.

— Адажон, тўхтанг, бувам йиғлаяпти, тўхтанг, ойи, бир марта бувамга хайр қилай, — ўғлим жон ҳолатда машина эшигига ёпишди. Адаси ҳам ниманидир сезди шекилли индамай машинани тўхтатди. Ўғлим тугунни қўлтиқлаганча тушди. «Хайр бува, яна келаман...» — деди. Сўнг негадир қўлчалари билан тугунни боши узра озод кўтарди. «Бува, мана йиғламанг чопонингизни берайми?» деб бақирди. Узининг эса кўзларидан шашқатор ёш оқарди. Отам эшитмади шекилли, онам қулоқларига айтди боланинг гапини. Бизнинг тўхтаганимизни кўриб опаларим ҳам тўхташди. Катта опам шоша-пиша ортига қайтди. Ўртанчаси талмовсираб эргашди. Кичиги эса бир бизга бир ўларга қараб тўхтаб қолди.

Отам Сардорга қўлини кўтариб «йўқ!» ишорасини берди. Кейин яна хайр-хайр дегандек қўл силкиб қолди. Жилдик. Отам елкасидаги янги чопонни кийиб олди. Қаддиям ростлангандек бўп кетди... Онам бўлса чопоннинг баридан тортиб отамга нималарнидир тушунтирарди...

Саида БОНУ.

3

УЗОҚНИ ЯҚИН ҚИЛАЁТГАНЛАР

Ислоҳот ва масъулият

Албатта, бундай сарлавҳа қўйишимизнинг боиси бор. Чунки, телефон алоқаси халқимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилувчи воситалардан биридир. Бинобарин, барча ривожланган мамлакатларда телефон алоқа тармоқлари юксак даражада такомиллашгандир. Телефон тармоқларини ўз такомилига етказмай туриб мамлакатни ривожлантиришнинг иложи йўқ. Шу боис ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ телефон алоқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Доим фуқаролар дунёнинг исталган нуқтаси билан, тадбиркорлар ҳамкорлик қилаётган шериклари билан бевосита алоқада бўлиб туришлари керак.

Айниқса, мамлакатимиз пойтахти — Тошкентни телефонлаштиришга эътибор кучайди. Бу борада шаҳарда кенг кўламли ишлар қилинмоқдаки, улар яқин келажакда ўз самарасини беради. Алоқа вазирлиги тизимида 1994 йил «Тошкенттелефонқурилишмонтаж» жамоа корхонаси бу соҳани ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшаётир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, корхонада қисқа давр ичида туб ўзгаришлар юз берди. Иш услуби, мижозларга кўрсатилаётган хизмат кўлами, сифат ва самарадорлиги ошиб бораётир. Электрон телефон алоқаси тармоқлари ҳам кенгаймоқда.

Умуман олганда жамоа корхонаси томонидан кейинги беш йил ичида амалга оширилган ишлар эътирофга сазовордир. Ишбилармон кишилар раҳбарлигидаги жамоа аъзолари автоматик телефон станциялари қуриш, монтаж қилиш, қудуқларни тиклаш, АТСлар қуриб, синовдан ўтказиб топшириш ишларини аъло даражада бажармоқдалар.

— Ўтган йили 16-, 17-АТСларни тўлиқ ишга туширдик, — дейди «Тошкенттелефонқурилиш монтаж» жамоа корхонаси директори Абдужамил Дўстмуҳамедов. — Бу телефон станциялар пойтахтимиз Тошкентдаги биринчи телеэлектронли тармоқларни ўзида бирлаштириб турибди. Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, соҳамизни янги йўналишларга дадил ўтказиш борасида бирмунча қийинчиликлар ҳам юз берди. Айниқса, дастлабки пайтларда мутахассислар масаласида қийналдик. Кейинчалик эса ишчиларимизнинг маҳорати ошиб борориб янги ишга ҳам кўникиб кетдик. Бу борада жамоамизнинг бош раҳбари Ҳикматилла Ғуломовнинг ғайрат — шижоати бизга қўл келди. Ўзи ишбилармон бўлган бу инсон ҳорижий мамлакатларга бориб мутахассисларни тайёрлаш масаласини ҳал қилиб келди.

Корхонада ҳақиқий маънода ўз касбининг усталари меҳнат қилишади. Айни пайтда шаҳарда ишлаб турган телефон станцияларнинг 95 фоизини ана шулар бунёд этишган. Ўтган йили Марказий Осиёда биринчи бўлиб 20 минг абонентга хизмат кўрсатувчи АТСларнинг фойдаланишга топширилиши қувончлидир. Ўтган йили пойтахтимизнинг янги массивларидан бири Ибн Сино мавзесида 1,5 минг номерли АТС фойдаланишга топширилди. Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманлари аҳолиси ҳам янги автоматик телефон станциялари хизматидан мамнун бўлмоқда.

Жамоа корхонаси аъзолари Тошкент шаҳар ҳокимияти, Олий Мажлис бинолари, Чорсудаги спорт-соғломлаштириш мажмуи, Юнусободдаги теннис спорт корти, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг янги биноси, Давлат мулк қўмитасининг идорасини телефонлаштиришда ҳам фаол ҳаракат қилди.

«Тошкенттелефонқурилишмонтаж» жамоа корхонаси аъзолари бундан икки йил аввал 32 миллион 377 минг сўмлик телефон тармоқларини улаб берган бўлсалар, бу йил бу кўрсаткич янада ошади. 91-автоматик телефон станцияси қайта таъмирланиб, янада кенгайтирилади. Айтайлик, бу АТС 10 минг абонентга хизмат қилар эди. Яқин келажакда бу кўрсаткич 12 мингга етади.

Соҳа меҳнаткашлари ўз билим ва тажрибаларига ишонган ҳолда ҳорижий мамлакатларнинг илғор фирмалари билан ҳамкорликни ҳам йўлга қўймоқдалар. Масалан «Алкатель», «Сименс», «Детолайн» фирмалари билан ҳамкорликда кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Чирчиқ шаҳридаги алоқа линияларини таъмирлаш ишлари немис ҳамкорлар билан биргаликда бажарилди. Немис ҳамкорлар ўз техникаларини ўрнатишаяпти. Катакли телефон станцияларни кўпайтириш масаласи ҳам кўриб чиқиляпти. Шу йилнинг ўзида пойтахтимизда яна тўртта автоматик телефон станцияси ишга туширилади.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

Уларни ажратиб бўлмас...

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

ЖУРНАЛИСТ САХОВАТИ

Таниқли журналист, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Исмоил Сулаймонов ўзига хос ҳиммат кўрсатди. Отахон қаламкаш, «Тонг юлдузи» газетасида эълон қилинган «Олатой ҳақида қисса» китобига берилиши лозим бўлган қалам ҳақидан кечиб, унинг ҳисобидан болаларни мазкур газетага обуна қилишларини илтимос қилди. Таҳририят журналистнинг саховатига биноан «Лўнда, саргузаштнома ва самимият» билан ёзилган мақолалар учун танлов эълон қилиб, мақола муаллифларини «Тонг юлдузи»га бепул обуна қилишини хабар қилди.

Отабек ХУДОЙҚУЛОВ.

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ҒОЛИБИ

Намангандаги «Узбектурк» лицейи ўқувчиси Нодирбек Хусаинов Истанбулда экология ва табиат муҳофазасига бағишланган халқаро олимпиадада қатнашди. 24 мамлакатдан 85 нафар йигит-қиз иштирок этган ўзига хос баҳсда ҳамюртимиз муваффақият қозонди. Нодирбек олимпиаданинг олтин нишони, махсус сертификат ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

МАҲСУЛОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ!

Тегирмон макарон-нон маҳсулотларини тайёрлаш, сутни, жунни қайта ишлаш ва бошқа ускуналарни харид қилишингиз;

ўз жиҳозларингизни ҳам харидорларга таклиф қилишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент, Наққошлик кўчаси, 2-уй, Агрофирма. Мўлжал: «Чилонзор» метроси яқинида.

Тел: 79-18-30, 79-24-40.

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСА, ФИРМАЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Қадим ва азим Самарқандниг машҳур «Сиёб» ДЕҲҚОН бозори очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти

ҳар бири **1000 сўмлик** оддий **АКЦИЯЛАРИНИ сотмоқда.**

Уларни харид қилишга шошилинг! Даромадингиз ортгандан ортади. Бунга кафилмиз.

Мурожаат учун Самарқанддаги телефонлар: (код) 3662) 35-13-46, 35-82-08.

ТошДУ томонидан Хушвақов Одил Улашевич номига берилган УВ-1 N 070371 рақамли ДИПЛОМ йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Спорт

БИЛЛУР СОВРИН ИШТИЁҚИ

Биллур соврин — Ўзбекистон кубоги учун чорак финал такрорий учрашувлари давом этмоқда. Ҳозирча «Темирйўлчи» — «Нефтчи» (1:1, 2:5) ҳамда «Навбаҳор» — «Бухоро» (4:1, 3:3) учрашувлари бўлиб ўтди. Демак «Нефтчи» билан «Навбаҳор» соврин учун курашни давом эттирадилар. «Дўстлик» — МҲСК жамоаларининг дастлабки учрашуви 3:1 ҳисобида тугаган эди. Такрорий ўйин 4 августда ўтказиладиган бўлди. «Насаф» — «Пахтакор» (2:0) жамоалари ҳам яна бир бор учрашадилар.

ДАВРА ЯКУНИДА

Биринчи табақа футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг биринчи давра ўйинлари якунланди. Тўртта кечиктирилган ўйин ўтказилди: «Шўрчи» — «Темирйўлчи» — 1:1, «Тўқимачи» — «Орол» — 3:2, «Норин» — «Орол» — 1:1, «Шўртан» — «Темирйўлчи» — 1:0, Ўйинлар жадвали қуйидагича манзара олди.

	Ю	Д	М	Т	О
Темирйўлчи	14	2	4	45-17	44
Металлург	13	2	6	44-24	41
Машъал	11	4	6	37-31	37
Истиқлол	10	6	5	39-26	36
Қизилқум	10	6	5	24-14	36
Шаҳрихон	10	5	6	34-21	35
Гулистон	11	2	8	40-33	35
Лочин	11	1	9	40-39	34
Кимёгар	9	5	7	34-23	32
Шўрчи	9	5	7	32-29	32
Орол	9	3	9	32-28	30
Тўқимачи	9	3	9	35-36	30
Хева	9	2	10	37-28	29
Бағдод	8	4	9	26-32	28
Роҳат	8	3	10	30-32	27
Шўртан	8	3	10	27-34	27
Ситора	8	2	11	35-45	26
Норин	7	4	10	26-29	25
Бўкалик	7	3	11	32-43	24
Дўстлик	5	7	8	23-36	22
Зафар	5	3	13	27-50	18
Пахтаобод	1	1	19	14-63	4

Иккинчи давра ўйинлари 6 августда бошланади. Шу куни пешқадам жамоалар давра бошидаги учрашувни ўз майдонларида ўтказадилар: «Темирйўлчи» — «Ситора», «Металлург» — «Роҳат», «Машъал» — «Дўстлик», «Истиқлол» — «Орол».

УЧ ДАЪВОГАР

Шу кунларда футбол муҳлисларини Осиё минтақасида иккинчи босқич ўйинларини ўтказишга саралланган 10 жамоа ўртасида ташланадиган қуръа натижаси кўпроқ қизиқтирмоқда. Қуръа эса 21 июль куни ФИФАнинг ташкилий йиғилишида ташланади. Шу куни Ўзбекистон терма жамоаси билан учрашувга Тошкентга келмаган Яман футболчиларининг қайта ўйин ўтказиш-ўтказмаслик масаласи ҳам кўриб чиқилади. Иккинчи босқич учрашувларини ўтказиб беришга эса Баҳрейн, Малайзия ва Сингапур давлатлари даъвогар бўлиб туришибди. Саудия Арабистони, Эрон, БАА, Япония, Ўзбекистон, Жанубий Корея, Қувайт, Хитой, Қозоғистон, Катар жамоаларини қандай тарзда икки гуруҳга бўлиниши эса қуръага боғлиқ.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. ПЎЛАТОВ, навбатчи А. ОМОНБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0433

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА